ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ

ҚАРОРИ

XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING

QARORI

«16» декабрь 2019 й. Наманган шаҳри 266/13-05- сонли

2020 йил учун Наманган вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига *(кейинги ўринларда Қонун деб аталади)* мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимовчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлар кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)* 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 99-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига асосан, 2020 йил учун вилояти маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–589-сон Қонуни билан тасдиқланган 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ҳамда уларни тайёрлаш учун асос бўлган макроиқтисодий ривожланиш прогнозлари ва 2021–2022 йиллар учун мўлжаллар тўғрисида маълумотлар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, 2020 йил Наманган вилояти вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетларининг даромадларининг қуйидаги прогнози маъқуллансин:

RASMIY HUJJATLAR UCHUN

а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

б) Вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

фойда солиғидан тушумлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

в) Мобил алоқа хизмати ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра вилоят аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ.

г) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMLIGI
KASMIY HUJJATLAR UCHUN

жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айланмадан солиқ;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

д) Агар қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетларга тушадиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, бу турдаги даромадлар вилоятнинг вилоят бюджетига ўтказилади.

3. Қонуннинг 21-моддасига асосан, Наманган вилоят маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгилансин:

а) Умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ хражатлари тегишли шаҳар ва туманлар бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади);

б) Қуйидаги харажатлар вилоятнинг вилоят бюджетидан молиялаштиришга ўтказилади:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари;

вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси;

умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари;

давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари.

в) Қуйидаги харажатлар шаҳар ва туманлар бюджетларидан молиялаштиришга ўтказилади:

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMLIGI
RASMIY HUJJATLAR

тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

давлат санитария-эпидемиология назорати шаҳар ва туман марказларини сақлаш харажатлари.

4. Наманган вилоятининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда Наманган вилояти вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йил прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Вилоятнинг вилоят бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Шаҳар ва туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари даромадларнинг 2020 йил учун прогнози 5-иловага мувофиқ маъқуллансин.

8. Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари харажатларнинг 2020 йил учун чекланган миқдори 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Шаҳар ва туманлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг 2020 йил учун чекланган миқдори 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини шаҳар ва туман бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

10. 2020 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажми 20 550 174 минг сўм миқдорида белгилансин.

Шаҳар ва туманлар бюджетларинин 2020 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2020 йил учун заҳира жамғармаларининг миқдорлари 8-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Вилоятнинг вилоят бюджети заҳира жамғармалари маблағлари кечиктириб бўлмайдиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларини шакллантиришда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш

RASMIY HUJJATLARDA UCHUN

учун ажратилади.

11. 2020 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорилари вилоят бюджетидан ажратиладиган трансфертларнинг 50 фоизи айирилгандан қолган маблағнинг 2 фоизи миқдорида белгилаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасида назарда тутилаётганлигини инобатга олиб вилоятнинг вилоят бюджетининг 2020 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 11 833 298 минг сўмга белгилансин.

12. Вилоятнинг вилоят бюджети, шаҳар ва туманлар бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари томонидан вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг таклифларига асосан ишлатилиши белгилансин.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари шаҳар ва туманлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари фавқулотда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашларига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарор(фармойиш)лар қабул қилиш белгилансин.

13. Вилоят ҳокимлиги ҳамда Наманган шаҳар ва туман ҳокимликлари ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин:

14. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Камалов), Наманган шаҳар ва туман ҳокимликлари, вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев), вилоят молия бош бошқармаси (Т.Юсупов) чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади;

Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган Наманган вилояти бўйича

RASMIY HUJJATLAR

даромадлар прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимяти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиш чораларини кўрсин.

15. Ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар бюджет маблағларини тақимловчилар ўзининг расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (П.Маткаримов), Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда вилоят халқ таълими (В.Ражапов), мактабгача таълим (Х.Юсупова), соғлиқни сақлаш (С.Мўминов), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (Б.Тожиматов), маданият (С.Нурматова), жисмоний тарбия ва спорт (Ш.Қорабаев) бошқармаларига:

тизим ташкилотлари учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни амалдаги қонунчилик талаблари асосида мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

тизим бўйича ҳар бир бюджет ташкилотлари раҳбар ходимларини мазкур масалада шахсий масъулияти ва жавобгарликларини белгилаш;

бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш ҳамда ўғирлик ва камомадларини олдини олиш борасида доимий тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан тизимли ишлар ташкил этиш вазифалари топширилсин.

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

16. Вилоят ҳокимнинг ўринбосари (Т.Рапиқов), вилоят молия бош бошқармаси (Т.Юсупов) вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасининг вилоят маҳаллий бюджетига ўтказилиши муносабати билан, бюджетдан ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш мақсадида;

RASMIY HUJJATLAR UCHUN
NAMANGAN VILOYATI HOKIMLIGI

насос станциялари ва энергетика бошқармасининг гуруҳлар бўйича харажатларини тўлиқ таҳлил қилиш, зарур ҳолларда штат бирликларини мақбуллаштириш;

ҳудудлардаги насос станциялари ва агрегатларларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, юқори кучланишдаги трансформаторлар исрофи мавжуд электр ҳисоблагичлар харажатларини камайтириш юзасидан таклифлар киритиб бориш;

электр энергиясини истеъмол қилишнинг физик ҳажмлари тўғри аниқланиши ва улардан мақсадли, аниқ фойдаланилиши устидан, шунингдек электр энергияси учун тўланадиган сумманинг асослилиги устидан тизимли назорат қилиш орқали харажатларни камайтириш чоралари кўрилсин.

17. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Камалов), вилоят молия бош бошқармаси (Т.Юсупов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев), Наманган шаҳар ва барча туман ҳокимлари бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

18. Қонуннинг 24-моддасига асосан, Ҳалқ депутатларини вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари вилоят, вилоятнинг шаҳар ва туманлар бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалари бўйича ҳисоботларни тақдим этсин ва эшиттирсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Камалов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

19. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг namangan.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

20. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва вилоят ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
вилояти Кенгаши раиси **Х.Бозаров**

RASMIY HUJJATLAR UCHUN

Халқ депутатлари
Наманган вилояти Кенгашининг
2019 йил «16» декабрь даги
266/13-сонли қарорига
1-илова

Наманган вилоятининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	23 460
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	104,6
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	12,5
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	110,0
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	103,4
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	105,9

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMLIGI
RASMIY HUJJATLAR UCHUN

Халқ депутатлари
Наманган вилояти Кенгашининг
2019 йил « 16 » декабрь даги
266/4305-сонли қарорига
2-илова

Наманган вилояти вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йил прогноз кўрсаткичлари

	Даромад турлари	минг сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	169 305 000
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	567 826 270
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	
5	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	206 028 000
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
8	Юридик шахслар ер солиғи	24 858 899
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	
10	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	
12	Давлат божи	88 551 000
13	Жарималар	48 295 000
14	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	4 180 000
15	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	1 210 000
16	Йиғимлар	57 407 711
ЖАМИ		**1 167 661 880**
	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	**222 900 000**
1	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	143 090 000
2	Мобиль алоқа хизмати	79 810 000
	Трансфертлар	**977 684 247**
1	Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	977 684 247
ДАРОМАДЛАР ЖАМИ		**2 368 246 127**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI HUQUQIY AXBOROT MARKAZI RASMIY HUJJATLAR UCHUN

Халқ депутатлари
Наманган вилояти Кенгашининг
2019 йил «16» декабрь даги
266/4306-сонли қарорига
3-илова

Вилоятнинг вилоят бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари

№	Кўрсаткичлар	минг сўм
	Харажатлар миқдори, Жами	**2 368 246 127**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 322 747 832
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	29 107 000
	Иш ҳақи ошиши муносабати билан индексация маблағлари	38 707 048
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	977 684 247
1.	**Халқ таълими бошқармаси**	**141 084 881**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	141 084 881
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**10 839 372**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 839 372
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3.	**Ўрта махсус касб ҳунар таълим бошқармаси**	**835 312**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	835 312
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**350 484 106**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	349 639 606
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	844 500
5.	**Маданият бошқармаси**	**30 124 396**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	30 124 396
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	**Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси**	**35 072 016**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	35 072 016
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**2 805 777**

RASMIY HUJJATLAR UCHUN

№	Кўрсаткичлар	минг сўм
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 805 777
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**2 472 203**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 472 203
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**431 867 535**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	427 239 535
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	4 628 000
10.	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**3 262 376**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 262 376
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	**Транспорт департаменти**	**2 316 524**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 316 524
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**21 858 426**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	21 858 426
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	**Инвестициялар бош бошқармаси**	**4 901 300**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 901 300
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	**Туризмни ривожлантириш департаменти**	**421 871**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	421 871
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	**Ветеринария бошқармаси**	**3 568 669**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 568 669
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси**	**1 206 688**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 206 688
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMUNAGA YILOYATI NOKIMLIGI
RASMIY
HUJJATLAR
UCHUN

№	Кўрсаткичлар	минг сўм
17.	**Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг ҳудудий бошқармаси**	**132 285**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	132 285
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18.	**Меҳнат бош бошқармаси**	**1 704 512**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 704 512
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19.	**Қурилиш бош бошқармаси**	**1 762 626**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 762 626
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
).	**Адлия бошқармаси**	**2 270 979**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 270 979
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21.	**Иктисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бош бошкармаси**	**29 676 221**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 041 721
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	23 634 500
22.	**Молия бош бошқармаси**	**1 023 309 242**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 917 947
	Иш ҳақи ошиши муносабати билан индексация маблағлари	38 707 048
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	977 684 247
3.	**Вилоят ҳокимлиги**	**36 462 281**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	36 462 281
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
24.	**Ижтимоий мослашув марказлари**	**58 896**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	58 896
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25.	**Нуроний жағармаси**	**420 356**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	420 356
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26.	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**796 265**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	796 265

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... NGAN VILOYATI HOKIMLIGI
RASMIY HUJJATLAR UCHUN

№	Кўрсаткичлар	минг сўм
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27.	**Монолияга карши курашиш бошкармаси**	**870 253**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	870 253
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28.	**Автомабил йўллар бошқармаси**	**207 192 873**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	207 192 873
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспецияси вилояти бошкармаси**	**5 599 627**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 599 627
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30.	**Давлат архиви бошқармаси**	**2 029 670**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 029 670
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31.	**Ғазначилик бошқармаси сақлаш харажатлари**	**5 653 448**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 653 448
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32.	**Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси сақлаш харажатлари**	**917 989**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	917 989
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33.	**Йўл ҳаракати эксплуатация ва монтаж бўлимлари**	**2 627 033**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 627 033
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34.	**Бошқа ташкилотлар**	**3 640 119**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 640 119
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

RASMIY HUJJATLAR UCHUN

Халқ депутатлари
Наманган вилояти Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
266/43-05 сонли қарорига
4-илова

Шаҳар ва туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари

(Фоиз ҳисобида)

Шаҳар ва туманлар номи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ		Юридик шахслар ер солиғи		Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи		Корхоналар айланмасидан солиқ		Давлат божи		Жарималар	
	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига
Наманган шаҳар	100%	0%	49%	51%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
Мингбулоқ тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
Косонсой тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
Наманган тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
Поп тумани	100%	0%	45%	55%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
Тўрақўрғон тумани	100%	0%	50%	50%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
Уйчи тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
Чортоқ тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
Янгиқўрғон тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
Норин тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
Учқўрғон тумани	100%	0%	50%	50%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%
Чуст тумани	100%	0%	100%	0%	0%	100%	100%	0%	0%	100%	0%	100%

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMLIGI
RASMIY HUJJATLAR UCHUN

(4-илова даоми)

Шаҳар ва туманлар номи	Йиғимлар		Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари		Давлат мулки бўйича ижара тўловлари		Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи		Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига	Шаҳар ва туманлар бюджетига	Вилоят бюджетига
Наманган шаҳар	0%	100%	0%	100%	0%	100%	15%	85%	0%	100%
Мингбулоқ тумани	100%	0%	0%	100%	0%	100%	50%	50%	0%	100%
Косонсой тумани	100%	0%	0%	100%	0%	100%	50%	50%	0%	100%
Наманган тумани	100%	0%	0%	100%	0%	100%	40%	60%	0%	100%
Поп тумани	50%	50%	0%	100%	0%	100%	23%	77%	0%	100%
Тўрақўрғон тумани	100%	0%	0%	100%	0%	100%	35%	65%	0%	100%
Уйчи тумани	50%	50%	0%	100%	0%	100%	40%	60%	0%	100%
Чортоқ тумани	100%	0%	0%	100%	0%	100%	50%	50%	0%	100%
Янгиқўрғон тумани	100%	0%	0%	100%	0%	100%	55%	45%	0%	100%
Норин тумани	100%	0%	0%	100%	0%	100%	60%	40%	0%	100%
Учқўрғон тумани	100%	0%	0%	100%	0%	100%	45%	55%	0%	100%
Чуст тумани	100%	0%	0%	100%	0%	100%	35%	65%	0%	100%

RASMIY HUJJATLAR UCHUN

Халқ депутатлари
Наманган вилояти Кенгашининг
2019 йил «16» декабрс даги
266/43-сонли қарорига
5-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари даромадларининг 2020 йил учун прогнози

Ҳудуд номи	минг сўм
ЖАМИ	**625 979 120,0**
Наманган шаҳар	171 191 764,0
Мингбулоқ тумани	33 910 446,0
Косонсой тумани	39 454 696,0
Наманган тумани	37 314 694,0
Поп тумани	46 037 020,0
Тўрақўрғон тумани	46 553 642,0
Уйчи тумани	41 700 025,0
Чортоқ тумани	37 720 684,0
Янгиқўрғон тумани	42 370 718,0
Норин тумани	35 562 504,0
Учқўрғон тумани	43 070 148,0
Чуст тумани	51 092 779,0

Халқ депутатлари
Наманган вилояти Кенгашининг
2019 йил «16» декабрь даги
266/43-05-сонли қарорига
6-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари харажатларнинг 2020 йил учун чекланган миқдори

Ҳудуд номи	минг сўм
ЖАМИ	**1 603 663 367,0**
Наманган шаҳар	287 498 152,0
Мингбулоқ тумани	84 097 196,0
Косонсой тумани	120 356 605,0
Наманган тумани	99 564 776,0
Поп тумани	129 671 800,0
Тўрақўрғон тумани	133 804 692,0
Уйчи тумани	125 540 184,0
Чортоқ тумани	117 975 459,0
Янгиқўрғон тумани	124 299 306,0
Норин тумани	107 266 170,0
Учқўрғон тумани	130 645 559,0
Чуст тумани	142 943 468,0

Халқ депутатлари
Наманган вилояти Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
166/4-сонли қарорига
7-илова

Шаҳар ва туманлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг 2020 йил учун чекланган миқдори

Шаҳар ва туманлар	минг сўм
ЖАМИ	**977 684 247,0**
шундан	
Наманган шаҳар	116 306 388,0
Мингбулоқ тумани	50 186 750,0
Косонсой тумани	80 901 909,0
Наманган тумани	62 250 082,0
Поп тумани	83 634 780,0
Тўрақўрғон тумани	87 251 050,0
Уйчи тумани	83 840 159,0
Чортоқ тумани	80 254 775,0
Янгиқўрғон тумани	81 928 588,0
Норин тумани	71 703 666,0
Учқўрғон тумани	87 575 411,0
Чуст тумани	91 850 689,0

Халқ депутатлари
Наманган вилояти Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
266/43-сонли қарорига
8-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг
2020 йил учун заҳира жамғармаларининг миқдорлари

Т/р	Шаҳар ва туманлар номи	минг сўм
	ЖАМИ	**23 699 460,0**
	шундан	
1	Наманган шаҳар	4 248 741,0
2	Мингбулоқ тумани	1 242 816,0
3	Косонсой тумани	1 778 669,0
4	Наманган тумани	1 471 401,0
5	Поп тумани	1 916 332,0
6	Тўрақўрғон тумани	1 977 409,0
7	Уйчи тумани	1 855 274,0
8	Чортоқ тумани	1 743 480,0
9	Янгиқўрғон тумани	1 836 936,0
10	Норин тумани	1 585 214,0
11	Учқўрғон тумани	1 930 723,0
12	Чуст тумани	2 112 465,0

...н ҳақиқати

...КИМЛИГИНИНГ ГАЗЕТАСИ

...xat: namanganhaqiqati@exat.uz ● 2019 йил 21 декабрь ● №102 (19617) ● Шанба ● Сотувдаги нархи 2000 сўм

22 ДЕКАБРЬ – САЙЛОВЛАР КУНИ!
Азиз ҳамюртлар!
«Ҳар бир сайловчи – бир овоз» тамойилига амал қилиб, сайловларда фаол иштирок этайлик!
Сайлов участкаларига шахсан бориб, конституцион ҳуқуқимиздан фойдаланайлик!
Муносиб номзодлар учун овоз берайлик!

Сайловга ҳамма тайёр

сайлов ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш борасида сайловчилар рўйхатига аниқлик киритиш тадбирлари давом эттирилмоқда.

Вилоятда жами 23 мингдан зиёд ногиронлиги бор шахслар сайловчилар рўйхатига киритилган бўлиб, улардан 1474 нафари кўзи ожиз фуқаролардир. Уларнинг конституцион ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан таъминланган 726 та Брайл алифбоси трафарети сайлов участкаларига етказилди. Мавжуд сайлов участкаларида ногиронлиги бор шахсларнинг қийинчиликсиз кириши учун махсус йўлакчалар (пандус), овоз бериш кабиналари ташкил этилди ва кексалар фойдаланиши учун ҳар бир сайлов участкаси лупа билан таъминланди.

Вилоятимизда 50 нафардан зиёд 100 ёшдан ўтган табаррук инсонлар истиқомат қилади. Сайлов куни участка сайлов комиссиялари томонидан уларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қарори билан 12 декабрдан барча сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш учун шароит яратилди. Бугунга қадар 1456 нафар фуқаро муддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди.

Марказий сайлов комиссиясининг кўрсатмаси асосида вилоятдаги 13 минг 266 нафар барча бўғиндаги сайлов комиссиялари аъзоларига 3 миллиард сўмдан кўпроқ компенсация тўловлари тўлиқ амалга оширилди.

Айни пайтда ЕХҲТ демократик институтлар инсон ҳуқуқлари бюросининг 2 нафар, бошқа халқаро ташкилотларнинг 3 нафар узоқ муддатли кузатувчиси ўз миссиясини бажариб турибди.

Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнларининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида вилоят сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказилган 70 нафар журналист ва кузатувчилар учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Сиёсий партиялар томонидан рўйхатга олинган халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига 300 нафар, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига 1777 нафар номзоднинг сайловолди ташвиқоти тадбирлари учун тенг шароитлар таъминланмоқда.

– Сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш ҳамда сайловолди ташвиқоти жараёнларини ёритиш бўйича 900 дан ортиқ кўрсатув, эшиттириш ва мақолалар эълон қилинди, – дейди Халқаро матбуот маркази вилоят бўлими аъзоси У.Рўзиметов. – Вилоят сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик юзасидан амалга оширган ишлари хақида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида 7 марта брифинглар ташкил этилди. Шу билан бирга, сайлов комиссиялар фаолияти ҳамда сайловга тайёргарлик ишлари вилоят сайлов комиссиясининг namangan.saylov.uz веб сайтига жойлаштириб борилмоқда. Сайловолди ташвиқоти материаллари Наманган шаҳри ва туманлардаги электрон таблоларда мунтазам намойиш этилмоқда.

Акрамжон САТТОРОВ.

Вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати хабар қилади

...созликдаги

Вилоят ҳокимининг биринчи

Наманга

ВИЛОЯТ ҲО

1918 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган ● www.namhaqiqat.uz ● e-mail: nam-haqiqat@umail.uz ●

Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг қарори

2020 йил учун Наманган вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлар кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6-, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27-, 99-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддасига асосан, 2020 йил учун вилоят маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ҳамда уларни тайёрлаш учун асос бўлган макроиқтисодий ривожланиш прогнозлари ва 2021–2022 йиллар учун мўлжаллар тўғрисида маълумотлар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, 2020 йил Наманган вилояти вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари даромадларининг қуйидаги прогнози маъқулласин:

малар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

в) мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра вилоят аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ.

г) қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айланмадан солиқ;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;



Мамлакатимиз менти ва ма Кенгашлар лари сайловига мизда ҳам пухта та лик кўрилди.

Жамият ҳаётидаги б сиёсий жараённи демок мойиллар, қонунчилик ри асосида ташкил қил 726 та сайлов участкаси этилиб, уларда участка комиссияси тўлақонли ят кўрсатиши, сайловч овоз бериши учун М сайлов комиссияси то тасдиқланган йўриқномас сида барча шарт-шароит тилди. Сайловчи ва сай килотчиларига қулайлик мақсадида барча сайлов ларига транспорт воситал риктирилди.

- Дастлабки маълу кўра, вилоят бўйича с ларнинг умумий сони 1 703 минг 913 нафарни этиб, участка сайлов ко ри томонидан ўтказилга натижаларига кўра 1 575 минг 777 нафар фу ловчилар рўйхатига ки - дейди вилоят сайлов сияси раиси Ш.Мирза -Ҳозирги кунда сайлов к лари томонидан фуқар

Машина

а) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

б) вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

фойда солиғидан тушумлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар, мусодара қилинган моддий бойликлар ва бошқа пул ундирувлари;

д) агар қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетларга тушадиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, бу турдаги даромадлар вилоятнинг вилоят бюджетига ўтказилади.

3. Қонуннинг 21-моддасига асосан, Наманган вилоят маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгилансин:

а) умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишли шаҳар ва туманлар бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади);

б) қуйидаги харажатлар вилоятнинг вилоят бюджетидан молиялаштиришга ўтказилади:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари;

вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси;

умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари;

давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари.

в) қуйидаги харажатлар шаҳар ва туманлар бюджетларидан молиялаштиришга ўтказилади:

(Давоми 2-бетда).

ҳамкорлик



Вилоят ҳокимини
хон Камолов Туркия
тори Корай Алтинел
вомида машинасозли
масалалари муҳокама

– Наманган вилоятида ҳамкорликда кўплаб корхона лойиҳалаштириш ишларида биргаликда бир қатор ишла лоятимизда кейи[illegible]ги пайтла машинасозлик, [illegible]илиш ма соҳалари жадал ривожланм ноат зоналарида инвесторла ган, – деди ҳоким ўринбосар

Фаолиятининг устувор йў турий таъминотлар яратиш в паниями айни пайтда Украина да қўшма корхоналарига эга.

– Ўзбекистон бизнинг ота кия эса она юртимиз. Мақса созликни ривожлантириш, Ў биль брендини яратишда қ мамлакатингизда амалга ош олдинга ундади, – деди Кора

Туркияликлар билан амал ган истиқболдаги лойиҳа юза

Қонун устувор бўлган юрт

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шартлигини алоҳида таъкидладилар.

Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, унинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратиш лозимлигини қайд этдилар.

Ҳақиқатан ҳам, қаерда қонун устуворлиги таъминланса, ўша ерда ўсиш, ривожланиш бўлади. Одамлар бугунги кунидан рози бўлиб яшайди. Аксинча бўлган ҳолатларда эса коррупция деган иллат илдиз отади, одамларнинг қонунларга ишончсизлиги ортади, уларни ҳурмат қилмаслик руҳи вужудга келади.

Сўнгги йилларда қабул қилинган ҳужжатлар моҳияти билан чуқурроқ танишадиган бўлсак уларда айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилганининг гувоҳи бўламиз. 2017 йил 3 январда Президентимиз Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунини имзолаган бўлсалар, 2019 йил 27 майда глобал муаммога айланган бу иллатга қарши курашга хизмат қилувчи яна бир қонун ҳужжати – «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон эълон қилиниб, унга кўра, жорий йилнинг 1 августидан капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаси амалга [illegible]ирила бошланди, 2020 йил 1 апр[illegible]дан эса у бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этилади. Жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши кураш мавзулари янада кучайтирилди.

Эртага мамлакатимизда катта сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» шиори остида ўтаётган мазкур кампанияда фаол иштирок этиш орқали биз давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакилларимиз орқали қатнашишимизни унутмайлик. Ўзимиз танлаган номзодга овоз бериш билан юртимизнинг бунданда гуллаб-яшнашига ҳиссамизни қўшайлик.

Сарвар МУҲИДДИНОВ,
Наманган ҳарбий прокурори,
адлия майори.

збекистон Республикаси Президенти-қий ҳимоясини таъминлашга оид фар- қарорлари ижроси алоҳида назоратга 00 га яқин янги тадбиркорлик субъекти

қавлат ҳам и бўлади

ўз вақтида тушириб бермаган АТБ «Инфин банк», АТБ «Қишлоққурилишбанк» ва АТБ «Микрокредит банк» вилоят филиаллари кредит бўлими бошлиқлари интизомий жазога тортилди.

«Ҳар асту- афар 92,5 лари

бўйи- асаси қонун ик ху- ирил-

туман боса- иркор зид аъму- нлиги урату- сосан

орлик муро- 4 таси тасига ерил- арини а 8 та сбатан салан, МЧЖ ни ўр- ой пах- ЧЖдан оздор- туман ан «Гў-

Ўтказилган назорат тадбирлари ва учрашувларда 670 нафар тадбиркорлик субъектига амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, прокуратура ёрдами билан Поп туманида «Straus Por» МЧЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳа бўйича 70 гектар ер майдони ажратилди. Ёки, «Best Fiber» МЧЖга сунъий мато ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириши учун банк томонидан 1,2 млн. доллар кредит маблағи ажратиб берилиши таъминланди. Шу каби, «Green world» МЧЖга ТИФ «Миллий банк» Чортоқ туман филиалидан 465,9 млн. сўм ҳақи ундириб берилди.

«Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», деган тамойил асосида тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ислоҳотлар келгусида ҳам давом этади. Бир сўз билан айтганда, Ҳаракатлар стратегияси до- расида хусусий тадбиркорлик

Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг қарори

2020 йил учун Наманган вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

(Бошланиши 1-бетда).

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

давлат санитария-эпидемиология назорати шаҳар ва туман марказларини сақлаш харажатлари.

4. Наманган вилоятининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда Наманган вилояти вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йил прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Вилоятнинг вилоят бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Шаҳар ва туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят бўйича ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари даромадларининг 2020 йил учун прогнози 5-иловага мувофиқ маъқуллансин.

8. Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари харажатларининг 2020 йил учун чекланган миқдори 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Шаҳар ва туманлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг 2020 йил учун чекланган миқдори 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини шаҳар ва туман бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл ят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг таклифларига асосан ишлатилиши белгилансин.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари шаҳар ва туманлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашларига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарор(фармойиш)лар қабул қилиш белгилансин.

13. Вилоят ҳокимлиги ҳамда Наманган шаҳар ва туман ҳокимликлари ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин:

14. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Камалов), Наманган шаҳар ва туман ҳокимликлари, вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев), вилоят молия бош бошқармаси (Т.Юсупов) чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади;

Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган Наманган вилояти бўйича даромадлар ларини белгилаш;

бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш ҳамда ўғирлик ва камомадларнинг олдини олиш борасида доимий тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан тизимли ишлар ташкил этиш вазифалари топширилсин.

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

16. Вилоят ҳокимнинг ўринбосари (Т.Рапиқов), вилоят молия бош бошқармаси (Т. Юсупов) вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасининг вилоят маҳаллий бюджетига ўтказилиши муносабати билан, бюджетдан ажратилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш мақсадида;

насос станциялари ва энергетика бошқармасининг гуруҳлар бўйича харажатларини тўлиқ таҳлил қилиш, зарур ҳолларда штат бирликларини мақбуллаштириш;

ҳудудлардаги насос станциялари ва агрегатларларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, юқори кучланишдаги трансформаторлар исрофи мавжуд электр ҳисоблагичлар харажатларини камайтириш юзасидан таклифлар киритиб бориш;

электр энергиясини истеъмол қилишнинг физик ҳажмлари тўғри аниқланиши ва улардан мақсадли, аниқ фойдаланилиши устидан, шунингдек электр энергияси учун тўланадиган суммаларнинг асослилиги устидан тизимли назорат қилиш орқали харажатларни камайтириш чоралари кўрилсин.

17. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А. Камалов), вилоят молия бош бошқармаси (Т. Юсупов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А. Тиллаволдиев), Наманган шаҳар ва барча туман ҳокимлари бюджет даромадлари ва харажатларининг

деган тамойил асосида тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ислоҳотлар келгусида ҳам давом этади. Бир сўз билан айтганда, Ҳаракатлар стратегияси доирасида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш прокуратура органларининг доимий эътиборида.

Ёсинхон РАҲИМБЕРДИЕВ,
вилоят прокуратураси бўлим прокурори.
Музаффар АБДУЛЛАЕВ,
жамоатчи мухбир.

Семинар



Таъминотчи ва истеъмолчи маданияти юксак бўлсин

Наманган шаҳридаги «Ойдин Плаза» меҳмонхонасида Бекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрда- «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва ституционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбири тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида тадбиркорлик ва теъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, аҳолининг истъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган лар самарадорлигини янада кенгайтириш ва тарғиб қилиш мавсида семинар ўтказилди.

ирда Бош прокуратура аги мажбурий ижро бюроси бошқармаси, «Ўзстандарт» ги техник жиҳатдан тар-

ят олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари хо[illegible]дари иштирок э[illegible]

айрим камчиликлар борасида сўз юритиб, эътироз ва талабларини баён қилишди, шикоятлар инобатга олиниб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилиши таъкидланди.

Шунингдек, семинарда истеъмолчиларнинг ҳам бурч ва масъулияти, вазифаларини унутиб қўйилиши ножоиз эканлиги, халқона қилиб таърифлаганда, қарс икки қўлдан бўлиши ма-

ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиш чораларини кўрсин.

15. Ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзининг расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (П. Маткаримов), Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда вилоят халқ таълими (В. Ражапов), мактабгача таълим (Х. Юсупова), соғлиқни сақлаш (С. Мўминов), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (Б. Тожиматов), маданият (С. Нурматова), жисмоний тарбия ва спорт (Ш. Қорабаев) бошқармаларига:

тизим ташкилотлари учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни амалдаги қонунчилик талаблари асосида мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

тизим бўйича ҳар бир бюджет ташкилотлари раҳбар ходимларини мазкур масалада шахсий масъулияти ва жавобгарлигининг асослилиги устидан тизимли назорат қилиш орқали харажатларни камайтириш чоралари кўрилсин.

17. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А. Камалов), вилоят молия бош бошқармаси (Т. Юсупов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А. Тиллаволдиев), Наманган шаҳар ва барча туман ҳокимлари бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

18. Қонуннинг 24-моддасига асосан, халқ депутатларини вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари вилоят, вилоятнинг шаҳар ва туманлар бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалари бўйича ҳисоботларни тақдим этсин ва эшиттирсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А. Камалов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А. Тиллаволдиев) Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

19. Мазкур қарор «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг namangan.uz расмий вебсайтига жойлаштирилсин.

20. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва вилоят ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси **Х. БОЗАРОВ.**

Наманган шаҳри,
2019 йил 16 декабрь.

Божхона ахборот тизимидаги «Ягона дарча»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2020 йил 1 февралдан бошлаб, экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатлар «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали расмийлаштирилади.